



Темур тузуклари (14)

ВАЗИРЛАРНИНГ ХИЗМАТ КИЛИШ ТУЗУКИ

Амр килдимки, тўрт вазир хар куни девонхонада мукаррар хозир бўлсинлар. Биринчиси—мамлакат ва раият вазири. Бу вазир мамлакатнинг мухим ва кундалик ишларини, раият ахволини, вилоятлардан йигилган хосил, солик-ўлпонлар, уларни таксимлаш, кирим-чикимларни, (мамлакат) ободонлигини, (аҳолининг) фаровонлиги ишларини ва мулкни кай тарзда тартибга келтираётганлигини менга билдириб турсин. Иккинчиси—сипох вазиридирки, сипохийларнинг улуфаси ва танхохи борасида менга маълумот берсин;

сипох таркок холатга тушиб колмаслиги учун уларнинг ахволидан хабардор бўлсин, вазиятни менга англатиб турсин.

Учинчиси—эгасиз колган, ўлиб кетган ва кочганларга тегишли молларни, келиб-кетаётган (савдогарлар ва сайёҳдар)нинг мол-мулкидан олинадиган закот ва божларни, мамлакат чорваларини, уларнинг ўтлов-яйловларини бошқариб, буларнинг барисидан йигилган даромадни омонат тарзида сакловчи вазирдир. У гойиб бўлганлар ва ўлганларнинг мол-мулки бўлса, меросхўрларига топширсин.

Тўртинчиси—салтанат ишларини юритувчи вазир. У бутун салтанат идораларининг кирим-чикимлари, хазинадан сарф килинган тамом харажатлар, (хатто) отхона ва (саройдаги) бошка жонзотларга килинган харажатларгача огох бўлиши лозим.

Яна амр килдимки, чегара ерлар ва менга тобеъ мамлакатларга оид (ишларга масъул) уч вазирдан иборат давлат хайъати тузилсин. Улар мазкур ерлардаги молиявий

муомалалар ва келадиган даромадларни бошкарсинлар.

Бу етти вазир девонбегига бўйсунуши лозим ҳамда у билан иттифокда мухим молиявий ишларни амалга оширмоқдари ва менинг арзимга етказмоқлари зарур.

Яна ҳукм килдимки, бир кишини арзбеги қилиб тайинласинлар. У сипох, раият ва арз-дод қилиб (хузуримга) келувчиларнинг ахволини, мамлакатнинг обод-хароблигини, мухим ишлардан қайси бири битган-битмаганлигини менинг арзимга етказиб турсин.

Амр килдимки, садри аъзам саййидлар ва бошка арбобларга суюргол тариқасида берилган ерлар ҳамда вакфларнинг ахволини, улар вазифаларини қай даражада адо этаётганини, уларга ажратилган жамғармаларнинг тақсимланишини менга арз қилиб турсин.

Ислом қозиси шариат ишларининг бориши ва ажрим қозиси дунёвий ишлар ҳақида менга билдириб турсинлар.

Яна амр килдимки, салтанат ишлари, мамлакатни идора этиш, ундаги ўзгаришлар, алмаштиришлар, сипохийлар ва амирларнинг тайинланиши, турли кенгаш-тадбирларни ҳос мажлисда менга арз этсинлар. Бу мажлисларда махфий ва сирли ишларни пинхон тутишга қодир махсус қотиб ҳозир бўлиб, ростлик қалами билан махфий-яширин кенгашларни ва гапларни ёзиб бурсин.

Ва яна мажлис қотибларини²⁵⁴ тайинлашни буюрдимки, девон мажлисида навбатма-навбат ҳозир бўлиб, мажлисда қўрилган, ҳал қилинган мухим масалалар ва айрим ишлар тафсилотларини ёзиб олиб, сақласинлар.

Менга арз қилинган гаплар, чиқарган ҳукмларим, мажлисларда қўрилган мамлакат аҳамиятига молик ишлардан тортиб, жузъий ишларгача барчасини қаламга олиб, (бошимдан кечирган) воқеалар дафтарига киргизсинлар.

Салтанатнинг ҳар бир идорасида бўладиган қирим-чиқимларни, қундалиқ харажатларни ёзиб бориш учун бир қотиб тайинлансин.